# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 27

**2022 йил «18» март** **Тошкент вилояти**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **"Пойтахтйўлкўкалам" УК** номидан Низом асосида иш юритувчи директори **Б.Якубов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Ҳизматкўрсатувчи» деб юритиладиган **"POYARIQ BARAKA BIZNES"МЧЖ**, номидан устав асосида иш юритувчи **Ш.Эгамбердийев** 4Р12¨БЕКТЕМИР Ш.-ЧИРЧИҚ Ш.–ҒАЗАЛКЕНТ Ш.-ЧОРБОҒ ҚЎРҒОНИ¨ 16-74 км оралиғида кўкаламзорлaзтириш ва ободонлаштириш ишларини бажариш (кейинчалик – объект деб юритилади) объектида курилиш-монтаж ишларини бажаришга доир Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғриисидаги 684- қонунга асосан энг яхши таклифлар асосида №22120012050576 лот рақами орқали ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ орқли мазкур шартномани қуйидаги кўрсатилган хизматларни бажариш учун туздик

## ТАРИФЛАР

1 Мазкур шартномада қуйидаги тушинчалар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**таъмирлаш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачитомонидан Хизматкўрсатувчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.Хизматкўрсатувчи мазкур шартномага асосан Тошкент шаҳар Катта Халқа йўли буйлаб 0-67 км қисмидаги автомобиль йўли атрофида тасдиқланган смета асосида объектда қудуқларни кавлаб сувни чиқариб ишга тушуриш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

## I. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартноманинг буйича "Хизмат кўрсатувчи" томонидан бажариладиган ишларнинг тахминий нархи ишлар қиймати барча солиқлар йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 1 465 000 000 (бир миллиард турт юз олмиш беш миллион) сўмни ташкил этади.

4. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар жорий умумий қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс ўтказади. Қолган 85 фоизини топширилган хисоб фактура асосида хамда "Асосий (давлат) буюртмачи"сининг маблағлари "Буюртмачи" хисоб рақамига келиб тушгандан кейин амалга оширилади.

5. Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганида.

6.Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда

7. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Хизматкўрсатувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## II. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. . Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

таъмирлаш майдонига узи учун керак бўлган таъмирлаш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, таъмирлаш техникасини етказиш, уларни тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

объект таъмирлаши бўйича хар ойда жами бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари ҳажмидан (курилиш материаллари нархисиз) 4 (тўрт) фоиз миқдорида Бош пудратчининг харажатларини қоплаб беради;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли таъмирлаш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, таъмирлаш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

## III. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш майдони ҳамда керакли барча таъмирлаш материаллари билан таъминлаш, лойиха-смета хужжатларини, барча керакли мутасадди идоралардан барча рўхсатномаларни тақдим этиш;

9 . Хизматкўрсатувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,

10.Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш учун маъсул шахсни ажратиш ва ишларни қабул қилиш;

11. Хизматкўрсатувчининг барча мурожаатларини, шунингдек бажарилган ишлар тугрисидаги хисоб фактураларни беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

12.Бажарилган ишларни хисоб-фактуралар етиб келган кундан бошлаб беш кун ичида кабул килиш, кабул килишни бош тортган холда, шу муддат ичида ёзва равишда асосланган жавобни Хизматкўрсатувчининг рахбариятига топшириш ёки хабарнома (уведомление) бириктирилган буюртма хат орқали ҳабар бериш;

13. Хизматкўрсатувчи га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб (беш иш куни) кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

14. Буюртмачи Пудратчига машина-механизмлар учун келишув

## IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

15. Хизмат кўрсатувчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

15. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартномада белгиланган ишларни

**Ишлар бошланиши 2022 йил 18 мартдан**

**Ишлар топширилиши 2022 йил 31 декабргача**

16.Мазкур шартнома бўйича хизматлар бажариш жадвалига муовфиқ амалга оширилади.

17 Шартноманинг амал килиши имзоланган кундан 2022 йил 31 декабаргача.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

17. Буюртмачи Хизматкўрсатувчига шартнома бўйича ишлар жорий умумий қийматининг 15фоизи миқдорда аванс ўтказади. Қолган 15 фоизини топширилган хисоб фактура асосида хамда "Асосий (давлат) буюртмачи"синing маблағлари "Буюртмачи" хисоб рақамига келиб тушгандан кейин амалга оширилади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Хизматкўрсатувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Буюртмачи эса Хизматкўрсатувчи томонидан уша кунга кадар бажарилган ишларни хакини тулик тулаб бериши лозим.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

19 Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Хизматкўрсатувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Хизматкўрсатувчининг вазифаси ҳисобланади.

22. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ишларида хатолар аниқланса, Хизматкўрсатувчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни киритади.

23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Хизматкўрсатувчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Хизматкўрсатувчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

## VII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бунда қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари уч ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Хизматкўрсатувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Енгиб бўлмайдиган куч (морс-мажор) ҳолатлари ЎзР Вазирлар Махкамаси томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланиши лозим.

## VIII. ТАЪМИРЛАШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

27. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

## IX. КАФОЛАТЛАР

28. Хизматкўрсатувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини кафолатлайди.

29. Агар объектдан камчиликлар аниклaнса, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар тегишли экспертиза хулосаси билан аниқланади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Хизматкўрсатувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Бажарилган ишлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб фактура "га асосан молиялаштирилади.Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағлаининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдорида фоиз ҳисобида таксимланган ҳолда ушлаб қолиб

объектнинг шартномавий қийматининг 95% фоизигача миқдорда амалга оширилади.Объектнинг шартномавий қийматининг қолган 5% фоиз миқдорда молиялаштириш,охирги ишлар учун ҳисоб фактура қабул қилинган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддати тамом бўлгандан кейин амалга оширилади

30. Хизматкўрсатувчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Даврхитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

31. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Хизматкўрсатувчи томонидан ўттиз кун (бир ойдан) мобайнида кечиктирилганда, Хизмат кўрсатувчи бу ҳақида Қонун хужжатларда белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилмаган бўлса шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир ;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Хизматкўрсатувчининг айби билан уч ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Хизматкўрсатувчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Хизмат кўрсатувчи:

ишларнинг бажарилиши Хизматкўрсатувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш икки ой муддатдан узок амалга оширилмаса шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Буюртмачи ва Хизматкўрсатувчининг қўшма қарорига кўра шартнома бекор қилинганда тугалланмаган таъмирлаш ишлари ўн беш кун ичида Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Хизматкўрсатувчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Пудрат шартномаси асосида ишларни олиб бораётган таашкилот қонунчиликка асосан ва мазкур шартномага муовфиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишларга бўйича мулкий жавобгар;

сифатсиз ишлар бажарганда,

белглан ишларни муддатларида бажармаганда,

йўлдаги экалогиянинг бузилишида,

Объектни назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилганкамчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни ортга суришда,

Кафолат муддати тугамасдан ишларнинг техник холати ёмонлашувига олиб келинганда,

Шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармаганлигига тўлиқ мулкий жавобгардир,

Агарда Хизмат кўрсатувчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса Буюртмачи хизмат кўрсатувчи ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаганлигидан келиб чиккан зарарни ва бажарилган ишлар қийматини ундиришган хақли.

37. Мазкур шартнома бўйича ўз вақтида молиялаштирмаганлиги Буюртмачи Хизматкўрсатувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

38.Хизматкўрсатувчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ( ўз вақтида ишга тушураолмаганлик сабаби икки томонлама тасдиқланган далолатнома асосида бўлади ) ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

39. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

40. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, уни хакикий эмас деб топишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

41. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

42. Хизматкўрсатувчи таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

43. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

44. Буюртмачи билан Хизматкўрсатувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

46. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2-та нусхада тузилди ва тарфларда 1 нусхадан сақланади.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| | |
|---|---|
| **«Буюртмачи»**<br>**Пойтахтйўлкўкалам УК**<br><br>«POYTAHTYO`LKO`KALAM» УК<br>Тошкент ш., Учтепа тум, Ҳалқа йўли, 7-уй.<br>Х/Р: 2021 0000 6009 4838 6001<br>С/с: 2262 6000 1009 4838 6001<br>ТИФ Миллий банк М.Улуғбек филиали МФО: 00895<br>ИНН: 305875822 СТККС: 326100037332 ОКЭД: 81300<br><br>______________ **Б.Якубов** | **«Хизматкўрсатувчи»**<br>**"POYARIQ BARAKA BIZNES"МЧЖ**<br>Манзил:Тошкент шах.Навоий кучаси 7 уй<br>Х/Р: 2020 8000 4005 0091 8001<br>Банк: ЦОО АКБ "Капитал Банк"<br>МФО: 01088<br>ИНН: 303 452 829<br>ОКЭД: 42210<br>Тел: +998 94 636 75 28 +998 93 585 05 73<br><br>______________ **Ш.Эгамбердийев** |

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 50576 на приобретение Работы по бурению водозаборных скважин

Способ проведения электронный

Дата 18.03.2022

Время рассмотрения 18.03.2022 11:01

Конкурсная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YAKUBOV BOBIR ALLAYAROVICH | Директор | Пойтахтйўлкўкалам"УК |
| **Секретарь комиссии** | ERGASHEV NODIR HAMROQUL O'G'LI | Мутахассис | Пойтахтйулкукалам УК |
| **Член комиссии** | RUFTILLAYEV NAJIBULLO NODIROVICH | Автотранспорт булими бошлиги | Пойтахтйулкукалам УК |
| **Член комиссии** | EGAMBERDIYEV SHERZOD ABDULLAYEVICH | Бош хисобчи | Пойтахтйулкукалам УК |
| **Член комиссии** | XOLTAYEV DILSHOD NAJMIDDINOVICH | Директор уринбосари | Пойтахтйулкукалам УК |
| **Член комиссии** | SOLIBOYEV SOBIRJON SHAVKAT O'G'LI | Хўжалик мудири | Пойтахтйўкўкалам УК |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.03.2022 года № лота 50576.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы по бурению водозаборных скважин или отрывке колодцев, требующие специальной квалификации** |
| Подробное описание | Работы по бурению водозаборных скважин |
| Количество товара | 5.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 300 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 1500 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 1 йил давомида қайирларда қанақа ишлар қилинганлиги туғрисида тасдиқланган маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 йил давомида қайирларда қанақа ишлар қилинганлиги туғрисида тасдиқланган маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **POYARIQ BARAKA** | 25 | 1465000000 | 25 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BIZNES MCHJ | | | | | | |
| PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH | 25 | 1485000000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Корхона гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона гувохномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ | 25 | 1465000000 | 25 | Экспертная | | |
| PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH | 25 | 1485000000 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишчи ходимлар буйича тасдиқланган руйхат

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар буйича тасдиқланган руйхат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ | 25 | 1465000000 | 23 | Экспертная | | |
| PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH | 25 | 1485000000 | 22 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солиқдан Қариздорлиги йўқлиги хақида батафсил маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан Қариздорлиги йўқлиги хақида батафсил маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ | 25 | 1465000000 | 25 | Экспертная | | |
| PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH | 25 | 1485000000 | 25 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|

|  |  |  |  |  |
|---|---|---|---|---|
| **POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ** | 1 500 000 000.00 | 1 465 000 000.00 | 16.03.2022 18:12:27 | 15.00 |
| **PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH** | 1 500 000 000.00 | 1 485 000 000.00 | 16.03.2022 18:38:48 | 14.80 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ** | 83.3 | 15 | 98.3 |
| **PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH** | 73.95 | 14.8 | 88.75 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 50576 от 18.03.2022 года на приобретение Работы по бурению водозаборных скважин определила победителем:

POYARIQ BARAKA BIZNES MCHJ
303452829

и резервный исполнитель: PASTDARGOM MUKAMMAL QURILISH (303274116)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YAKUBOV BOBIR ALLAYAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SOLIBOYEV SOBIRJON SHAVKAT O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | RUFTILLAYEV NAJIBULLO NODIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | EGAMBERDIYEV SHERZOD ABDULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOLTAYEV DILSHOD NAJMIDDINOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП